



А. ТУРАЕВ сурати

Табассум.

НАЗОРАТ

ОҚСИМГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Европанинг кўпгина давлатларида хайвонлар ўртасида ўта юқумли оқсим касаллигининг кенг тарқалгани бутун дунё аҳолисини жиддий ташвишга солмоқда. Энг ачинарлиси, бу касаллик кўшни Козогистон республикасидаги чорва моллари орасида ҳам кузатилган. Шу боис унинг республикаимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмақда.

Бу борада божхона ходимлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Наманган вилоят божхона бошқармаси томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, чегара божхона постларида сафарбар қилинди. Чегара божхона постларида фаолият кўрсатаётган вилоят ветеринария бошқармаси, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва вилоят карантин инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда мавжуд дезобарьерлар ва деоковриклар кўздан кечирилди. Таъмирланиши лозим бўлганлари таъмирланиб чиқарилди, йўқ жойларда эса зудлик билан янгилари барпо этилди. Шу билан бирга чегара божхона постларидаги дезобарьерларнинг доимий ишлаб туриши, уларни керакли дезинфекция воситалари билан му-

тазам равишда таъминлаб турилиши, ветеринария-карантин ва ДСЭНМ идоралари ходимлари томонидан дезинфекция ишларининг сифатли ўтказилиши ҳамда транспорт воситаларини дезинфекция қилиниб турилиши қаттиқ назоратга олинди.

Божхона постлари орқали ўтаётган барча транспорт воситалари, юклар, фуқароларнинг кўл юклари божхона кўригидан ўтказилмоқда. Назоратдан ўтказилмаган гўшт, сўт маҳсулотлари, тери, жун ва хайвонлардан олинмаган бошқа маҳсулотларнинг республикамизга киришига йўл қўйилмапти.

Вилоят ҳудудидаги барча айланма ва иккиламчи йўлларда назорат кучайтирилиб, ҳаракатдаги кўчма пост ва гуруҳлар ишлаб турибди. Оқсим (яшур)га қарши курашиш фақатгина ДСЭНМ ва ветеринария ёки божхона ходимларининг вазифаси эмас, балки ҳаммамнинг ишдир. Барча фуқароларимиз, жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинса, албатта юқумли фалокат йўлига ишончли ғов қўйилади.

Турсунбой МАХМУДОВ,
Наманган вилоят божхона бошқармаси инспектори

Моҳият

Ҳар икки
томонни
обдон тинг-
ламай туриб,
ҳукм чиқар-
ма.

СОЛОН

Ушбу сонда

ПРОКУРОРНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Прокурор таълим-тарбия хусусидаги мулоҳазаларини баён этгач, мактаб қурилиши ҳақида ҳам тўхталди.

НАҲОТ, АРОФАТ АЙБДОР?!

Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашувида Исроил бош вазири Фаластин раҳбарини айбламоқда.

3
бет

8
бет

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Инсон дунёга келар экан, аввало ота-она меҳридан баҳраманд бўлади. Сўнг атрофдагилар, жамият ҳавосидан нафас олиб вояга етади. Демак, инсоннинг камол топиши у тарбия олган муҳитга боғлиқ. Шу боис эртанги кунимиз бўлиши фарзандларимиз вояга етаётган муҳит шарт-шароитлари ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Зеро, муносиб тарбия олган бола ақлли-хушли, виждон амрига бўйсунувчи шахс сифатида атрофдагилар ҳурматини қозонади. Аксинча бўлса, нафратга учрайди. Ичкиликка, гиёҳвандликка муккасидан кетиши кишини жамият олдида беҳурмат қилади, қолаверса, фарзандларига муносиб тарбия бериш имконидан айиради.

ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Атрофдаги айрим воқеалар натижасида гиёҳвандлик оғир дард эканлигини бугун кўпчилик англаб етмоқда. Гиёҳвандликнинг бора-бора ўғрилиқ, фахш, қўйиллик билан уйғунлашиб кетаётгани сергакиликни оширишни талаб қилади. Дахшатлиси, гиёҳвандлар нафақат ўзларининг, балки бошқа яқинларининг, хусусан фарзандларининг ҳам умрини азобга айлантирмоқдалар. Демак, келажак авлодни ҳалокатдан асраб қолиш, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларни муттасил равишда истемол қилувчи ота-оналарни қайта тарбиялаш, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш давр талабига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттувчиларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди", деб кўрсатилган.

Хоразм вилоят прокуратурасида ноқобил ота-оналарни тарбиялаш, муомала лаёқатини чеклаш, баъзан энг сўнгги чора сифатида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида судга даъво аризалари киритиш амалиётидан ҳам фойдаланилмоқда.

Боготлик ака-ука Бахтиёр ва Комил Шариповлар нотўғри босган қадамлари туфайли гиёҳвандлик моддаси асирига айландилар. Оқибатда кўзларига "захри қотил"дан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. На ота нахашига, на жуфти ҳалол илтижоларига, на фарзандлар фарёдига қулоқ солдилар. "Ову" учун пул топилаётган кезлари уй-жиҳоз буюмларини сота бошладилар. Бахтиёрнинг уч нафар, Комилнинг икки фарзанди ота ёнида отага, унинг меҳрига зор яшашарди.

Ахволнинг кундан-кун оғирлашуви отани, уларнинг турмуш ўртоқларини ташвишга солди. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, ёрдам сўраб Богот тумани прокуратурасига мурожаат қилишди. Туман прокуратураси ахволни қонуний таҳлил қилди, ака-ука Бахтиёр ва Комил Шариповларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақида судга даъво аризалари киритилди.

Ҳазорасп туман Навоий кўчасидаги 55-уйда яшовчи Раёно Абдуллаева 1997 йил февраль ойида наркотик моддалар билан ноқонуний муомала қилганини ўзини ушланиб, Ҳазорасп туман суди ҳукми билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва 1999 йил май ойида Республика Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармониغا асосан жазодан озод этилган эди.

Лекин у озодликка чиққанидан кейин ҳам болалари ёнида гиёҳвандлик моддасини истемол қилишни давом эттирган, уйига бегона шахсларни йиғиб, одоб-ахлоқ қоидаларини кўпол равишда бузиб яшаб келган, фарзандларини тарбиялаш, кийинтириш, овқатлантириш ва таълим олиши билан боғлиқ бўлган ўзининг оналик бурчини бажармаган. Оқибатда вояга етмаган фарзандлари Эркин, Темир ва Тўрабек Эгамбердиевлар унинг ҳаёт тарзидан бешиб, уйдан қочиб, бобоси Раҳим Эгамбердиев қарамоғида яшамоқдалар.

Бундай мисолларни, бахтга қарши кўпгла келтириш мумкин. Прокуратура ва суд идоралари бу чорани кўплаш орқали фарзандларни нотўғри тарбиядан, кўпгла салбий оқибатлардан асраб қолмоқдалар. Аммо ота-оналар-чи? Ҳали ораимизда гиёҳвандликка муккасидан кетган бахтиёру раёнолар талайгина, улар бу жожеадан тегишли хулоса чиқара билишармикан?

"Аср вабоси" деб аталаётган гиёҳвандлик ботқоғига ботаётган фуқароларимизга муносабат билдириш, ёрдам бериш, бу ажал уруғини тарқатаётганларга қарши курашиш мустақил республикаимиз ҳар бир фуқаросининг бурчи бўлмоғи лозим.

Мақсудбек ИСКАНДАРОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta sischilar

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Isoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 2149
Nusxasi — 27354
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 19.00
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Nabatchi muharrir **D. HALILOV**
Nabatchi **N. MAHMUDOV**
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

НАВРЎ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҲОР ВА МЕҲР БАЙРАМИ



Янги кун, янги йил сифатида узок йиллардан буён катта тантаналар билан нишонланиб келинаётган Наврўзи олам шукуҳи ва таровати ҳали ҳам ўлкамизни тарқ этгани йўқ. Шаҳар ва қишлоқларда, корхона ва ташкилотларда янги минг йилликнинг биринчи баҳор байрами ҳамон кенг тантана қилинаётир. Утган хафтада Toshkent шаҳар прокуратурасида ҳам Наврўз шодияналари бўлиб ўтди. Тантанани шаҳар прокурори М.Наимов очиб, барча ҳамкасбларини яшариш ва уйғониш байрами билан табрикляди.



Маълумки, Наврўз меҳр-оқибат, ҳурмат ва эътибор байрами ҳамдир. Бу пойтахт прокуратурасида яна бир бор ўз исботини топди. Байрам тантаналарига шаҳар прокуратураси идораларида меҳнат қилган фахрийлар ҳам тақлиф қилинди. Уларга Наврўз совға-саломлари топширилди. Прокуратура фахрийларидан А. Мухаммадалиев, Л. Прокофевналар сўз олиб, давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган шоғирдларининг машаққатли ва масъулиятли ишларида зафарлар тилашди.

Суратларда: Байрамдан лавҳалар. Суратлар муаллифи А. ТЎРАЕВ

ФАРМОН ВА ИЖРО

КЕЧИРИМЛИ МИЛЛАТНИНГ АВЛОДИ ҲАМ КЕЧИРИМЛИ БЎЛАДИ



— Давлатимиз Президенти Фармонига мувофиқ ўтган йили икки марта, чунончи биринчиси мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармон эълон қилинди, — деб суҳбатимизни бошлади Аҳмаджон Худойбергано. — Мазкур Фармон эълон қилинганига бир ҳафта ўтмасдан иккинчи — террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги Фармон матбуотда чоп этилди.

Булар Президентимизнинг, ўзбек халқи кечиримли халқдир, бу бағри кенг халқнинг авлодлари эканми, биз ҳам кечиримли бўлишимиз керак, деган сўзларининг амалий исботидир. Бундай муруват, бағрикенглик натижасида, биллиб-билмай жиноятга қўл урган минглаб маъбуслар уйига, ота-онасининг, фарзандларининг ёнига, янаям қувончлиси, ижтимоий фойдалари ҳаётга қайтди.

Сир эмас, мустақиллигимиз душманлари томонидан 1999 йил 16 февраль кунини пайтахтимизда содир этилган қўпуровчилик ҳаракатлари тўғрисида юз берган фожеалар ҳали қўпчиликнинг эсидан чиққани йўқ.

Шунга қарамасдан, Президентимиз ўзининг бағрикенглигини яна бир бор намоён қилди: қўшни давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, лекин оғир жиноятлар содир этмаган, ўз киндик қони тўкилган Ватанида, ота-онаси бағрида тинч турмуш кечириш истегаида бўлганларнинг қайтиб келишига имконият яратилди. Уларнинг бир қанчаси юртимизга қайтиб ижтимоий фойдали фаолиятга кўникидилар.

Toshkent вилоятида ҳам Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш, энг муҳими, уни ижро этиш даврида қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ҳуқуқни муҳо-

Тoшкeнт вилoят прокурори-нинг қонунларни муҳасам-лаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўйича катта ёрдамчиси Аҳмаджон ХУДОЙБЕРГАНОВ билан суҳбат

этиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларнинг маънавий, ижтимоий ҳимояси борасида қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларни ижтимоий фойдали турмушга мослашишида, шубҳасиз унинг атрофидаги одамларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Аммо афсуски, баъзи ҳолларда атрофдагилар уларга нисбатан жиноятчи сифатида муомалада бўлишади, ишга жойлашиш жараёнида сунъий тўсиқларга дуч келаётганликлари, энг ачинарлиси, айримларининг оила-аъзолари ҳам уларга нисбатан шу сингари муомалада бўлиш-шайтанликлари ҳам бор гап.

Шунга ўхшаш ғайриҳуқуқий ҳолатларни олдини олиш мақсадида тегишли органлар билан ҳамкорликда фаолиятимиз мувофиқлаштирилди. Шунингдек, Фармоннинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси гуруҳи жазони ижро этиш инспекцияларига амалий ёрдамлар кўрсатди.

— Маълумки, рецидив жиноят турининг ўсиши ҳамон муаммо ҳолича турибди. Аниқланишича, кўп ҳолларда ушбу жиноят турининг ўсиб бораётганлигини туб илдини жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларнинг айримлари яшаши манзилларига қайтиб боради, бир муаммога кўндаланг келаётганлигига бориб тақалмоқда. Чунончи, озод этилганларга нисбатан нафақат айрим ижтимоий кўникма марказлари, балки яқин қариношлари ҳам жиноятчи сифатида қараб, турли хил сунъий тўсиқларни яратганини уларнинг қайта жиноят йўлига кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Шу сингари сунъий муаммоларни бартараф

фаза қилиш идоралари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда белгиланган дастур асосида иш олиб бордик. Шунингдек, шаҳар, туман прокурорлари иштирокида семинар-машгулотлар, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга Фармоннинг моҳияти ва у қандай шахсларга нисбатан қўлланиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Аҳмаджон Мадрагимович, қачон Амнистия тўғрисидаги Фармон эълон қилинса, бас, маҳкумларнинг яқин қариношлари ҳаракатга тушиб қолишади. Сиз бунга нима дейсиз?

— Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш таъминининг бир томони худди шунини тушунтиришга қаратилган. Бу борада муайян тадбирлар белгиланди. Ахир, фуқаролик жамиятининг бош мезони ҳар ким ўз ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ўзи ҳимоя қила олиши лозим ҳолатларда нафақат ўзини, балки қонунни ҳимоя қила олишига қодир шахсларни тарбиялашга қаратилганлигини, назаримда, янада чуқурроқ англашимиз, белгиланган тадбирларни янада такомиллаштиришимиз лозим. Зеро, қонун олдида ҳаммининг тенглиги, барча бир хил бурч ва мажбуриятларга эғалигини англаб етиши керак.

Фармон ижросига оид ҳужжатлар тахлил қилинганда шу нарса

ТУЙҒУ

АБДУРАИМОВ

**ТАНИЙСАН-А,
МЕНИЯМ, НАВРЎЗ!**

Ҳеч ким тўйни ўзбекчалик яхши кўрмас керак. Тўй — яхшилиқ, ўзига, оиласига, ҳаммага; тўй- хабар, мавжудлик хабари; тўй — ҳавас; яхшиларга, яхшиликларга; тўй - меҳр рамзи: дийдорлашув, қариндошлик ришталарнинг боғланиши ва ҳоказо. Ўзбекининг тўйлари байрамдай ўтади. Байрамларимиз кўп. Уларнинг энг қадимийси — Наврўз.

Наврўзни болалардан тортиб, кексаларгача, ҳамма яхши кўради. Негаки, одам одам билан тирик, меҳр билан, эътибор билан тирик. Наврўз — меҳр байрами, эътибор байрами.

Мен Наврўзни туғилган куним каби яхши кўраман. Ҳар Наврўзда кайтадан туғиламан: умидлар қиламан, режалар тузаман, интиламан, тозараман...

*Илғаб бораётир мени фаслар,
Киргиси келмайди кўнглимга.
Бугун эса — Наврўз,
Умидворман ҳарқалай ундан.*

*Бир шеър сўровдим она Қуёшдан,
Ҳазонлар олиб кетиб қолибди.
Қорлар сингдириб юборган Ерга,
Сен мени кўллагин, Наврўз.*

*Чўмилмоқ истовдим камалакрангга,
Ёмғир ювиб кетди ранглари.
Совуқ қотган тиланчидай қалтироқдаман,
Иситиб кўясан-а, Наврўз.*

*Сенга ҳавас қилдим, меҳрлисан-а,
Ҳамма яхши кўради сени.
Юрагимга бир кириб кетасан-а,
Танийсан-а мениям, Наврўз...*

Наврўз ҳаммамизнинг кўнглимизга кириб келсин. Ва уни асло тарқ этмасин — кейинги Наврўзларгача.

Хусан КАРВОНЛИ

ҚОТИЛ КИМ?

**ИНСОНИЙЛИК БУРЧИНИ
БАЖАРА ТУРИБ...**

Тошкентдай шаҳри азимнинг ўзига хос турмуш тарзига четдан келган кишининг дафъатан тушуниши қийин. Бировнинг ҳеҳраси хуш-хандон бўлса, биров нимадандир ташвишда. Кимдир шошилади, кимдир сайрга чиққандай оҳишта қадам ташлайди. Биров билан бировнинг иши йўқ...

Тўшдан кейин Шавкат саргарошонага кириб сочини текислатди. Бугун уйга — Зоминга кетиши керак, синфдош ўртоғи уланаёпти. Журалар дийдорлашиб, хумордан чиқадиган кун. Тўй баҳона — дийдор ганимат.

Унинг уйга қайтишининг ўзи ҳар гал байрам бўлиб кетади. Айниқса раҳматли онасидан эрта жуда бўлган ва ҳаммалари кўнглига қарайдиган муниса сингилси Барно кўпроқ қувонади. Узининг ҳам сингилсига нисбатан меҳри бошқача, нимаки яхши нарса бўлса шу сингилсига илинади. Назариди онасидан кейин оиласида ёниб турган ёлғиз чироқ — шу сингилси. Барнога Тошкентдан совға олиб бориб бугун бир хурсанд қилай, деб у-бу нарса харид қилди.

Шундай хаёллар ичида ўтирган Шавкатнинг кулоғига бир русий забон аёлнинг "Помогите!" деган чанқириги чалинди. Машинадан тушиб қарашса, катта йўл чеккасидан иккита йигит югуриб кетаяпти. Халиги аёл эса бўйинни кўрсатиб, йигит аралаш ёрдам сўрайди. Шавкат нимадир бўлганлигини сезиб таксичига "Низом ака, машинани ҳайдаг, боғи йигитлар бир бало қилганга ўхшайди. Уларни туттишимиз керак", деди. Машинада йигитларнинг биздан кетишиди. Бунга пайқаб қолган қочқорлар дам олиш боғи томонга қочишди. Машинада қувшидан фойда йўқлигини сезган Шавкат машинадан сакраб тушиб боғ ичкарисига қараб югуриб кетди.

Йўлтўсарлар ҳам пихини ёрган экан, шекилли, боғ ичида икки томонга қараб қочишди. Шавкат норғул ва бақувват йигит бўлганлиги сабабли улардан бирини тутиб олди. Қаршилиқ кўрсатиш бейфойда эканлигини сезган қочқор йигит шумлик йўлига ўтди, ўзининг ҳеч қандай айби йўқлигини айтиб, кўйиб юборишни илтимос қилди. Шавкат ёнига етиб келган хайдоочига "Сиз бориб, боғ ёрдам сўраган аёлни машинадан олиб келинг, биз уларни милицияга олиб борамиз", деди.

Низом ака хали машинага етмасдан Шавкатнинг овозини эшитиб ортига ўтирилди. Не кўз билан кўрсинки, у қонга беланиб ётарди. Бунга қаранки, Шавкат Низом ака билан гаплашиб турган вақтда жиноятич пайт пойлаб пичогини олишга улгурган экан. У Шавкатнинг кўрағига бир неча марта личоқ уриб, жуфтаникни ростлаб қолади. Низом ака Шавкатни машинага солиб касалхонага шошилади. Бироқ, олинган жароҳат натижасида у касалхонага етмасдан машинада жон берди...

Уша муҳдис воқеа содир бўлганига ҳам ички йилдан ошди. Ҳар баҳор Шавкатнинг қабри майсалар билан қопланади. Жигарғўшалари қабр устида Қуръон тиловат қилишади. Яратгандан унинг жойи жаннатда бўлишини сўрашади. Аммо, аммо юракларини яна бир амал кемиради. Ханузгача Шавкатнинг қотили топилгани йўқ. Во даринг, балки уша қотил ҳозир ҳам қуппа-қундуз кўни киминдир қон қақшатиб, зирак ёки бошқа таксичогини тортиб олиб, мўмайгина пуллаб, Тошкентнинг қайси бир сўлим гўшасида айшини сураётгандир? Лоқайдликдан хони, одамларга меҳр-муҳаббат қўзи билан қаровчи Шавкат Ҳақимов эса навқирон ёшида қора ер бағрида ётибди.

Наҳотки, аёл кишининг фарёдини эшитиб ёрдамга ошиққан йигитнинг хотираси, яқинларининг адолат тиланишига бўлган ишончи топталиб қолаверса? Бу саволлар аввало Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратураси ва Ички ишлар бошқармаси ходимларига тегишли.

Уларнинг жавоби аламли дилларга таскин берармикан?

**Абдурашид АБДУРАИМОВ,
хуқуқшунос**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бундан икки йил муқаддам, 1999 йил 30 март кўни Президентимиз Ислоム Каримов "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонга имзо чеккан эди.

Айтиш жоизки, Республика Ҳарбий прокуратураси идораларининг тарихи мамлакатимиз истиқлоли, унинг равнақи ва ҳарбий қурилишининг ислохотлари билан муштараклиги алоҳида эътиборга моликдир.

Мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган тўв ислохотлар юртбошимиз узоққи кўзлаб, мураккаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни олдиндан илғаб билганликлари самарасидир. Биз ҳарбий юристлар ўз фаолиятимиз давомида ушбу ислохотлар келажакни теран аңглаб ўтказилаётгани, унинг амалда тўри ечим топаётганининг бевосита шохиди бўлиб турибмиз.

Юртимизда ўтказиб келинаётган ҳарбий қурилишдаги ислохотлар ҳам бундан мустақно эмас. Ўзбекистон мустақилликка эришиб халқроқ ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқий субъекти сифатида эътироф этилган, Куролли қўчлар катори ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини ҳам ўз юрисдикциясига олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Президент Ислоム Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги "Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари

нинг ҳарбийлаштирилган таркибий бўлиналарида қонунчиликка риоя этиш устидан прокурорлик назоратини тўлиқ таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, қўшинларда ҳарбий интизом ва қонунчилиқни мустақамлаш масалаларида прокуратура идораларининг қўшинлар, округлар, қисм ва муассасалар кўмондонликлари билан ўзаро ҳамкорлигини ошириш мақдидида, Республикаимиз Президентининг Фармониға асосан собиқ Куролли Кун-

қисқа вақт ичида ўзини оқлади ва ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

Қонунийликни тарғиб қилиш, аскар ва зобитларнинг маънавиятини оширишда Ўзбекистон телевиденисининг "Ватанимга хизмат қиламан", "Жараён" кўрсатувларида прокуратура ходимларининг мунгазам иштирок этиши йўлга қўйилди, тизимда "Ҳуқуқ ва бурч" ва "Бурч" газеталари таъсис этилди.

Айтиш жоизки, ҳарбий прокуратура идораларида хизмат қилувчиларнинг ақсариятини ёшлар ташкил этиди. Жумладан, Конституциявий ҳарбий прокурорлар ҳам асосан 30-35 ёшда бўлган ходимлардир.

*"Пировард мақсади-
миз, истиқлолимиз-
ни аниқ ва равшан
таъсавур этган
ҳолда, халқимизга
тинч ва фаровон
ҳаётни таъминлаш
ва ҳимоялаш ..."
Ислоム КАРИМОВ*

Ўтган йилларда Термиз, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган ҳарбий прокурорлари ва Ҳарбий прокуратура марказий

маҳкамаси умумий назорат, тергов, судларда прокурор ваколатини таъминлаш, жиноятлари тергов қилиш бошқармалари, Миллий хавфсизлик идораларида терговни назорат қилиш бўлими бошликлари лавозимларига ўзларини тезкор ишларда ҳар томонлама кўрсатган фидокор ёшлар тайинланди. Бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Хизмат фаолиятида алоҳида ўрнал кўрсатган ходимларимиз ҳуқуқатимиз

томонидан муносиб тақдирландилар.

Республика Президентининг фармони билан ўтган йилларда Жанубий-ғарбий алоҳида округ ҳарбий прокурори Ф. Омонов II даражали "Шон-шараф" ордени, Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори Ш. Узоқов ва Республика Ҳарбий прокуратураси бўлимининг ҳарбий прокурори А. Панкратьевлар "Шўх-рат" медали, Термиз ҳарбий покюрори А. Кенжаев "Жасорат" медали, Республика Ҳарбий прокуратураси бошқармасининг ҳарбий прокурори Х. Шамсутдинов, Қарши ҳарбий прокурори вазиғанисини бажарувчи С. Жўраев ва Андижон ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси М. Тожибоевлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фарҳий ёрлиғи" билан мукофотландилар, Республика Ҳарбий прокуратураси бошқармасининг ҳарбий прокурори О. Манноповга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони берилди.

Давлатимизнинг юксак мукофотлари ҳарбий прокуратура идоралари ходимларини Куролли Қўчларимиз салоҳиятини юқори поғонага кўтариш, ҳарбий юриспруденция салоҳиятини, аскар ва офицерларнинг маънавиятини ошириш йўлида фидойилик кўрсатишга ундаши шубҳасиздир.

Ходимларимиз Президентимизнинг ҳарбий қурилишга йўналтирилган кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ қилиш, ҳарбий қисм ва муассаларда қонунчилик, ҳарбий интизомни мустақамлаш, қўшинларнинг жангвор таътирларини янада оширишда бундан кейин ҳам фидойи меҳнатларини аямийдилар.

Зеро, юртбошимиз таъқидлаганидек, "...олдимизга қўйган мана шу вазифани тезроқ амалга ошириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши зарур. Бу Ўзбекистонда яшайтган ҳар қайси инсоннинг бурчига, виждоний ишига, гурур-ифтихорига айлиши лозим".

**Ш. ОТАЕВ,
Республика Ҳарбий
прокуратурасининг
ташкилий-назорат ва ҳисобот
бўлими катта ҳарбий прокурори,
адлия капитани**

**ЮРТБОШИМИЗ
ТАШАББУСИ БИЛАН**

тўрисида"ги Фармониға асосан Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси неғизидида Ўзбекистон Республикаси Куролли Қўчлари ҳарбий прокуратураси ташкил этилди. Шу санадан эътиборан ташкил қилинганидан буён собиқ Иттифок прокуратурасига бўйсиниб келган Республикаимиз ҳудудидаги ҳарбий прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимига киритилди. Унга Республика ҳудудидаги ҳарбий қисмлар, қўшинлар, стратегик ва умумий мақсадларга мўлжалланган бирлашмалар, ҳарбий ўқув юрталари, муассасалар ва бошқа ҳарбий тўзимларда прокурорлик назоратини амалга ошириш оқлатилди.

Ҳарбий прокуратура органларининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ норматив ҳужжатлар тақомиллаштирилиб, Олий Кенгаш томонидан "Ўзбекистон Республикаси Куролли Қўчлар ҳарбий прокуратураси тўғрисида"ги Низом қабул қилинди.

Олий Мақжлисининг XIV сессиясида Республикаимиз Президент Ислому Каримов Куролли Қўчларни, чегара, ички ва қоровул қўшинларини ягона давлат сиёсати асосида боқимма-боқим, чуқур ислох қилиш масалаларига оид йўналишларни кўрсатиб бериб, "бу жараён ягона мақсадни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, демократик ҳамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда", — деб таъқидлади.

Ҳарбий қурилишни ислох қилишга доир Президентимиз кўрсатмаларига мувофиқ Факулдулда вазиғлар вазиғлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш кўмитаси, ИИВ ички ва қоровул қўшинлари, ҳарбий округлар ва улар устидан тезкор бошқарувни олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Куролли Қўчлари бирлашган кўмондонлиги штаби ташкил этилди.

Ўтказилган ислохотлар билан боғлиқ ҳолда Куролли Қўчларда, ҳарбий идоралар, вазиғликлар ва идоралар-

лар ҳарбий прокуратураси неғизидида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкил этилди.

Фармонға асосан, Республика прокуратураси раҳбарияти таркибига ўзгартириш киритилиб, Республика Бош прокурори ўринбосари — Ҳарбий прокурори лавозимни таъсис этилди. Бир вақтинч ўзида ҳарбий прокуратура тизими ўзгартирилиб, гарнизон ҳарбий прокуратуралари ўрнида ҳудудий прокуратуралар ҳамда 4 та янги тузилма- округ ҳарбий прокуратуралари ташкил этилди. Маъзур Фармон асосида "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилиб, 1999 йилнинг 14 апрелида Бош прокурор томонидан тасдиқланди.

Ҳарбий прокуратура ўзининг ихтисослашувиға кўра ҳам ҳарбий, ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идарадир. Унинг фаолияти Ватанимиз мудофаси, дахлсизлиги, миллий хавфсизлиги масалаларида қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган.

Фармон ижросини тўлиқ таъминлаш борасида Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазиғлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва Мудофаа вазиғлиги билан ҳамкорликда округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратураларни хизмат бинолари, техника ва замонавий ҳиҳозлар билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ҳарбий ислохотларнинг узвий давоми сифатида 2000 йилда Наманган ва жорий йилнинг бошларида Тошкент ҳарбий округ прокуратуралари ташкил этилди. Ўтказилган ислохотлар ҳарбий прокуратуранин иш самарадорлигини оширишга, жумладан жиноятчиликнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш, ҳарбий қисм- лар, қорхона, муассаса ва ташкилотларға еказилган мулкий зарарларни ундиритиш фаолиятиға кескин ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳайъат қарорига кўра, 2000 йилда округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар, суд, маъхус билим юрталари раҳбарлари, қисм кўмондонлари таркибидида тузилган мувофиқлаштирувчи кенгашлар

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Маълумки, замон талаби муттасил ўзгариб боради. Кишилар тафаккури ҳам шунга мутаносиб тарзда юксалаверади. Қонунлар ҳам ана шу янгиланишларга мослаштириб борилиши табиийдир. Янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасига ҳам худди шундай зарурат меваси, деб қарамок лозим. Ушбу қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилганига анча бўлди. Аммо бу борадаги бахс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Яқинда Сурхондарё вилоят прокуратураси ходимлари Абдунаби Қўзимуродов, Собир Қобилов ва Тўхтасин Қиёмовларнинг ушбу мавзуда қизгин фикр алмашаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Бундай сўхбатлар тез-тез бўлиб турибди. Ҳар хил тақлиф-мулоҳазалар билдириляётир. Мақсад эса битта: мазкур қонун бекаму-кўст ва давр талабига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши керак.

Мавриди келганидан фойдаланиб, вилоят прокуратураси идоралари ходимларининг айрим тақлифларини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Биринчи тақлиф: Қонун лойиҳасининг 1-моддасида "Прокуратура ягона марказлаштирилган тизимга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлат органи" дейилган.

Ушбу моддадаги "давлат органи" сўзлари "конституцион орган" жумласи билан алмаштирилса, тўғрироқ бўларди.

Иккинчи тақлиф: Лойиҳанинг 6-моддаси 1-бандида "Прокуратура органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назорати остида бўлади", дейилган. Бизнингча, ушбу модда "Прокуратура органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти назорати остида бўлади", деб ўзгартирилса, ҳақиқатга яқинроқ бўларди.

Учинчи тақлиф: Қонун лойиҳасининг 19-моддасида "Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, ҳарбий идоралар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган тармоқ бўлиналари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилиши назорат предмети ҳисобланади", дейилган. Бу моддани қуйидаги тахрирда баён этишни тақлиф қиламиз: "Вазирликлар,

сизлик, яъни лоқайдлик оқибатида ҳам зарар етказилиши мумкин. Шундай экан бизнинг назаримизда ушбу модда "... зарар етказилиши мумкин бўлган гайриқонуний хатти-ҳаракат ва ҳаракатсизлик аниқланган ҳолларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахс ва фуқароларга қонунбузарликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ёзма оғохнома билдиради", деб ўзгартирилмоғи даркор. Қонун лойиҳасини Термиз транспорт прокуратураси ходим-

КЎПДАН КЎП ФИКР ЧИҚАДИ

давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, ҳарбий идоралар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган бўлиналари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳамда фуқаролар томонидан қонунларга риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади".

Тўртинчи тақлиф: Лойиҳанинг 37-моддаси "Оғохнома"га бағишланган. Ва унда "Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган гайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларга қонунбузарликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ёзма оғохнома билдиради", дейилган.

Авалло: "...Гайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги" деган иборанинг қўлланилиши унчалик ўринли эмас. Чунки одатда тайёрланаётган хатти-ҳаракат деганда онгли равишда, била туриб, қасдан қилинаётган хатти-ҳаракат тушунилади. Қолаверса, давлат ва фуқаролар манфаатларига хатти-ҳаракат туфайлигина эмас, балки қўн ҳолларда айнан ҳаракат-

лари ҳам ўқиб-ўрганмоқдалар.

3-моддадаги "Прокуратура органларининг ташкил этиш ва фаолиятини юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа Қонун ҳужжатлари билан белгиланади" деб таъкидланишига жамоа ходимлари қуйидагича муносабат билдиришди. "Бундай ҳолатда прокурорлик ваколати чекланиб қолади-гай. Шунинг учун прокурорлик ваколати "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу қонун билан белгиланади" деб кўрсатилса тўғрироқ бўларди".

Лойиҳанинг 20-моддасида текширишлар "...асослар мавжуд бўлганда эса прокурорнинг шахсий ташаббуси билан ўтказилади" дейилган. Аммо улар қандай асослар эканлиги аниқ баён этилмаган.

Қонунлар лойиҳаси муҳокамаси хайрли иш. Фақат бундай бахс-мунозаларда тор доирадаги мутахассислар ёки соҳа ходимлари эмас, балки кенг жамоатчилик қатнаша нур устига нур бўлур эди. Чунки бу фуқароларнинг сийёсий фаолиятини, мамлакат, халқ, қолаверса ўз тақдирига бефарқ эмасликлари, ҳуқуқ маданияти юксалигининг чинакам ифодасига айланади.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
"Ҳуқуқ" мухбири

ПРОКУРОР ҲИМОЯЧИ, ҒАМХЎРДИР

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасини прокуратура тизимини ислоҳ қилиши борасида қўйилган илк қадамлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Мазкур қонун лойиҳасининг 9-моддаси 4-қисмида "Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини қўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор тегишли қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин" дейилган. Ушбу модданинг 5-қисмида эса "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқароларнинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг муурожаати юзасидан қарор қабул қилингандан кейин прокуратура органларида улар бўйича ишлар тугатилади. Янги очилган ҳолатларга доир ҳоллар бундан мустаснодир", деб баён этилган. Ушбу модданинг 4-қисмидаги "прокурор тегишли қарор қабул қилади" ҳамда 5-қисмидаги "муурожаат юзасидан қарор қабул қилганда" деган гаплардаги "қарор" сўзи "ечим" сўзига ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини қўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор тегишли қарор эмас ечим қабул қилиб, бу ҳақда ариза муаллифига ёзма жавоб қайтаради. Қарор эса жиноий ҳодиса юзасидан берилган ариза ва хабарлар юзасидан қабул қилинади, яъни жиноят иши қўзғатилади ёки жиноят иши қўзғатиш рад қилинади.

Лойиҳанинг 35-моддаси 1-қисмида "Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир" дейилган, шу гагдаги "ҳимоя қилиш учун" деган сўздан кейин "қонунда белгиланган ҳолларда" деган жумлани киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

38-модданинг 3-қисмида "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалғистон Республикаси, вилоятлар, Ташкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади" дейилган. Ушбу моддадаги "йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган" деган гапни "прокуратура системасида камида 5 йил ишлаган, ёши ўттиздан кам бўлмаган" деган сўзлар билан алмаштирилишини тақлиф қилган бўлардим.

Қонун лойиҳасининг 42-моддаси 1-қисмида "Прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ва Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда сугурталаниши лозим" дейилган. Шу моддадаги "прокуратура органлари ходимлари" деган гапдан кейин "ва уларнинг оила аъзолари" деган гаплар қўшилиса айни мудоао бўларди.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Тўртқўл тумани прокурори

"Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги самарали қадамлардан бири бўлмоқда. Бу ҳақда яқинда Сирдарё вилоят ҳўжалик судида қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ҳам таъкидлаб ўтилди. Муҳокамада вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир гуруҳ масъул ходимлари иштирок этишди.

Таъкидланишича, прокуратуранинг қонун устуворлигини таъминлашдаги бекиёс ўрни янги тахрирдаги қонун лойиҳасида ҳам ўз аксини топган. Худди шу нуқтаи назардан ҳам қонунни кенг жамоатчилик муҳокамасидан, таъбир жоиз бўлса турли жириқлардан ўтказиб, пухта шакл ва мазмунда қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Йиғилиш иштирокчилари қонун лойиҳасига доир ўз тақлифларини баён этишди.

Лойиҳанинг 2-моддасида прокуратура органларининг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатлиги кўрсатилган. Лекин прокуратуранинг асосий вазифаси бу билан чегараланмайди. Прокуратура мулк шаклидан ва бўйсунувидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Бу ваколатлар лойиҳанинг 9 - ва 35-моддаларининг биринчи қисмларида қайд этилган. Шу сабабли "...давлат ва жамият ..." сўзларидан кейин "ҳўжалик юритувчи субъектларнинг" жумласи киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

ВАКОЛАТЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНСА...

Маълумки, прокуратура фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи муассаса. Бинобарин, прокуратура органлари қонунийлик ва жиноятчилик аҳвали тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб туришлари лозим бўлади. Ва бу ҳолат қонун лойиҳасининг 7-моддаси 2-қисмида ўз аксини топган. Бироқ шу ўринда жамоатчиликни қандай тартибда, қайси нашр орқали хабардор қилиш йўллари ёритилмаган. Ёки бу хабарлар конкрет жиноятлар ва рақамлари ўз ичига оладиган бирор юридик ҳужжатдан иборат бўладими?

Шу модданинг учинчи қисмида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари прокуратура органларининг ҳайъат мажлисларида ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашларида иштирок этишлари мумкинлиги қайд этилган. Шу ўринда жамоатчилик

ва оммавий ахборот воситалари тақлиф этилмаса, ўз ташаббуслари билан қатнашишлари мумкинми, деган савол туғилади. Агар ҳар бир фуқаронинг ўзи истаган ахборотни олиш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги конституциявий ҳуқуқлар эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, у

ҳолда уларнинг прокуратура органлари ҳайъатлари ва мувофиқлаштирувчи кенгашларида ҳеч бир тўсиқсиз, ихтиёрий равишда қатнашиш ҳуқуқига эга эканликлари мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганлигини қўришиши мумкин. Бинобарин, бу ҳолатга мос равишда юқорида келтирилган моддалардаги тегишли сўзлар тахрир қилиниши шарт.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти қонуниятларини ҳаётга чуқурроқ сингдириб бориш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишининг маълум шартлари белгиланган. Қонун лойиҳасининг 20, 21 - моддаларига "қонун ҳужжатларига мувофиқ текшириш ўтказиши" тўғрисида киритиш лозим. Ушбу қонуннинг киритилиши Президентимизнинг "Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш тўғрисида"ги 1998 йил 19 ноябрдаги Фармони талабларига мосдир.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг 28-моддасида прокурорнинг процессуал қонунда белгиланган тартибда суднинг қарорига протест келтириш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилиши қўзда тутилган. 30-моддада эса "апелляция протести" ибораси ишлатилган. Шунини таъкидлаш жоизки, амалдаги Ҳўжалик

процессуал кодексининг 156-моддасига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар ҳўжалик суднинг қонуний қучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақлидирлар. Демак, прокурор ҳам бошқа иштирокчилар қатори биринчи инстанция суднинг ҳужжатига нисбатан протест эмас, балки апелляция шикояти бериши лозим бўлади. Шундай экан, ушбу моддаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Ва ниҳоят қонун лойиҳасининг 35-моддаси 3-қисминини кенгайтириб "прокуратура идоралари судларда қўриладиган ишлар бўйича қонунга мувофиқ давлат божи тўлашдан овоз қилинади" мазмунинда янги тахрирда берилиши унинг моҳиятини янада чуқурроқ очига ҳизмат қиларди.

А. МУСТАҒОҚУЛОВ
тайёрлади

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ИЖАРА ВА ИНТИЗОМ

Ўтган бир неча йиллик тажрибага суяниб шунни айтиш мумкин, ҳуқуқий-демократик давлат куриш ўта мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, мамлакатимизда қисқа муддат ичида ҳуқуқий соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Мутлақо янгича муносабатларни назарда тутадиган, давлат ва жамиятни демократиялаштиришга, эркинлаштиришга асосланган ҳуқуқий база яратилди.

Лекин тан олиб таъкидлаш лозимки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида қонулар ижросини бирдек, аниқ таъминлаш йўлида ҳали анча ишлар қилишимиз лозим. Қонулар ижроси аниқлик ва интизомни яқши қўради. Бинобарин, аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўли билан юксак даражадаги ҳуқуқий интизомни вужудга келтириш мумкин. Содда қилиб айтганда, ҳар бир субъект, фуқаро ўз ваколатлари доирасида қундалик турмушида белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришни "эътиқод" даражасига кўтарсагина бундай ҳолатни юксак даражадаги ҳуқуқий интизом деб аташ мумкин бўларди. Лекин минг афсуски, амалиётда қонуларга менимасдан муносабатда бўлиш, ўз масъулиятини тўла ҳис қилмаслик каби иллатларга, интизомсизликка қўллаб дўш келмоқдамиз. Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан ўтган йили қонунийликни таъминлаш йўлида амалга оширилган тадбирлардан бири: қишлоқ ҳўжалигидаги ижара шартномаларининг ижросига оид ялпи текширишлар натижасида жиддий қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган эди.

Маълум бўлишича, 2000 йилда вилоятда 3064 гектар ерга полиз экилиб, 70266,3 минг сўмлик маҳсулот сотилиши кўзда тутилган. 3811 гектар боғдан 2913 гектари, 1045 гектар узумзорлардан 543 гектари фуқаролар томонидан ижарага олинган. Тахлилларга қараганда, ҳар бир гектар боғ учун ўртача 25497 сўмдан, тоқзорлар учун ҳар гектарига ўртача 27007 сўмдан ижара ҳақи шартномаларда белгиланган.

Лекин 2000 йилнинг 20 декабрь кунига қадар ижарачилардан мевали боғлар учун жами ҳисобланган 58205,1 минг сўмлик ижара ҳақларидан 19315 минг сўми, тоқзорлар учун жами 10660 минг сўмлик ижара ҳақларидан 2488,4 минг сўми ҳосил йиғиштириб олинган ва маҳсулдорлик даражаси ҳам ошган бўлса-да, асоссиз сабабларга кўра тўланмаётганлиги аниқланди. Ана ҳолос, йил давомида ердан фойдаланиб, фойда кўриб, оиласи, фарзандлари билан риқ-насибани йиғиштириб олган бўлса-ю, навбат ижара ҳақига келганда гирромлик қилишса?

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 6881 минг сўмлик ижара ҳақлари ижарачилардан қисқа муддатда ҳўжаликлар газнасида ундирилди. 8482,9 минг сўмлик ижара ҳақларини ундириб олиш борасида судларга 50 та даъво аризаси киритилди. Сирдарё вилоят прокуратураси идоралари томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан қатор тақдимнома, амрномалар киритилиб, 35 нафар шахслар расман огоҳланрилди. Натижада жами 45 млн. 363 минг сўмлик ижара ҳақлари прокурорлик таъсир чораларидан сўнг ҳўжаликлар ҳисобига ундириб берилди.

Вилоятдаги ҳўжаликларда ижарачилар томонидан экилган полиз маҳсулдорларининг топширилиши ва пулларнинг тўланиши алоҳида назоратга олиниб, қонунбузилишлар юзасидан чоралар кўрилганлиги натижасида 13846 минг сўм нақд пул "ихтиёрий" равишда тўланиб, 3014,4 минг сўмлик ижара ҳақларини ундириш юзасидан судларга 60 та даъво аризаси киритилди ва пулларнинг тўлиқ ундирилишига эришилди.

Ижара ҳақларининг тўланмаслигида алоҳида масъулият ерни ижарага берган ҳўжалик раҳбарига келиб тақалади. Хусусан, ижара ҳақларини ўз вақтида тўлиқ талаб қилиб олмаслик натижасида ҳўжаликларнинг айланма молиявий обороти жиддий зарар қўрган.

Ҳўжалик раҳбарларининг қонунбузилишларга йўл қўйганлигига бир мисол: Оқолтин туманидаги Андижон АФХБ раиси Ш.Ш.Шимов ижарачилар топширган 5 млн. 184 минг сўм пулни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Зотан, бундай қонунбузилишларнинг илдиши ҳам ҳўжуқий маданиятнинг етишмовчилиги, лоқайдлик, масъулиятсизликка бориб тақалади.

Азиз ШАМСИҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг
ўринбосари, адлия маслаҳатчиси



Бухоро вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи Баҳодир Назаров ўз касбининг фойдалилардан бири. Б.Назаров жиноятчиликка қарши кураш ва қонуларни мустаҳкамлашдаги меҳнатлари учун ўтган йили Президентимизнинг фармониға мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди.
Суратда: Б.Назаров шоғирди У.Сўҳробов билан.
Р.АСЛАНОВ сурати

Қумқўрғон туманидаги 13-умумтаълим мактаби ҳўжалик марказида жойлашган. Уч қақирим узоқликдаги Боболочин қишлоғи болалари ҳам шу масканга қатнаб ўқишади. Бундан айниқса бошланғич синф ўқувчилари анча қийналишапти. Қишнинг қор-қировли, изгиринли кўчаларида чеккан азобларини-ку сўраманг. Туман прокурори Ўрол Сувонов билим даргоҳидаги таълим-тарбия жараёни, шарт-шароит билан танишар экан, ана шу муаммо ҳам унинг эътиборидан четда қолмади.

Сўраб-суриштириб шу масалани тааллуқли ҳамма гапни билиб

пилмаган чоғи. Ўзингиз биласиз: нарх-наво осмонда.

— Навбатдаги ота-оналар йиғинига Боболочин қишлоғи оқсоқоллари, ота-оналар вакилларини тақлиф қилсаларингиз мен ҳам беҳафиз қолмай. Маслаҳатлашиб олишимиз керак, — дея тайинлади кета туриб Ўрол Сувонов.

Прокурор мажлисда таълим-тарбия хусусидаги мулоҳазаларини баён этгач, мактабқурилиши ҳақида алоҳида тўхтади.

— Мени яни бир нарсани ташвишга солапти, — деди у. — Боболочин маҳалласида яшовчи болалар ҳам мана шу ерга қатнаб ўқишади.

ПРОКУРОРНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

олди. Маълум бўлишича, қишлоқда 1998 йилда ҳўжалик томонидан бошланғич синф ўқувчилари учун дарсхона сифатида чоғроққина бино қурила бошланган. Аммо иморатнинг девори тикланиб, усти лойсувоқ қилинган, иш тўхтаб қолган. Шу-шу унга ҳеч қим қайта қўл урмаган.

— Нега қурилиш тўхтаб қолган? Бунга сабаб нима? — қизикди прокурор.

Ўқитувчиларнинг фикри бир жойдан чқиди:

— Қурилиш материаллари то-

Орадаги масофа эса уч километр. Ҳар куни шунча йўл босиш айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига қи-йин-ку! Бу уларни толиқтириб қўймайдими, ахир?!

Қишлоқда шу мақсадда бошланган бино қурилишини тезда ниҳоясига етказиш сизу бизнинг бурчимиздир. Ўзларингиздан қоллар гап йўқ. Уни четдан келиб биров битказмайди.

Асосий муаммонинг ечимини топдик. Мана шу мактаб ёнидаги эски иморатларнинг қурилиш материалларидан фойдаланишларин-

ғиз мумкин. Бу ҳақда тегишли раҳбарлар рухсат беришди. Энди бугеги сизларга боғлиқ. Ишни ҳашар йўли билан бажаришга тўғри келади.

— Мактаб ўзимизники, — деди прокурор сўзининг якунида. — Унда ўзимизнинг болаларимиз ўқишади. Келажагимиз эса шуларнинг қўлида.

Сувонов ҳаммининг кўнглидаги гапларни айтганди. "Сизга минг раҳмат. Энди хизмат биздан", дейишди.

Ҳақиқатан ана шу бинода амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдик.

— Ўшандан кейин иш юришиб кетди, — деди мактаб директори вазифасини бажарувчи Эркин Бердиев. — Ўтган икки ой ичида томи шиферланди. Эшик-деразалари ўрнатиллапти.

— Иморатнинг ички тарафлари шахсан прокурорнинг сай-ҳарақати билан қумсувоқдан чикарилди. Етарли микдорда бўёк ҳам олиб бердилар, — деди миннатдорчилик билан маҳалла оқсоқоли Абдуғаффор Ҳўжаев.

Сувоновнинг яна бир савоб ишидан воқиф бўлдик. Айтишларича, ўтган йил охирида тумандаги 115 нафар етим бола ва кам таъминланган оила фарзандларига хомий ташкилотлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши тадбирига бош-қош бўлган. Уларга жами 3 миллион сўмлик қишқи кийим-кечак олиб берилган. Бундай меҳр-мурувватдан қўллаб ўқсиқ диллар таскин топган, албатта.

Ана шундай хайрли ишларга прокурорларнинг ҳам бош қўшаётганликлари айна муддабон.

Ж. ҚУРБОНОВ,
ўз муҳбиримиз

ЯНА БИР ТАШАБУС

Ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларни турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш ҳўжуқчи муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳам муқаддас бурчи ва вазифасидир. Ана шу мақсадда Наманган вилоят прокуратурасининг қонуларни мужассамлаштириш ва ҳўжўқ-тарғиботи бўлими ҳамда "Динёт" газетаси ибратли ташаббус билан чқиди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, диний-экстремизм ва ақидапаластикка қарши кураш, миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш мақсадида жойларда ўқувчилар ҳамда талаба ёшлар билан учрашувлар, турли мулоқотлар ўтказишга киришилди. Бундай учрашувлар мулоқотлар Мингбулоқ, Косонсой, Наманган, Поп туманларида ўтказилиб, уларда минглаб ёшлар иштирок этишди.

Бу учрашувлар ва улардаги сўхна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Ёшларнинг бу тадбирдан ўзига хос маънавий озик олганликларини, жиноятчиликнинг боши берк кўчасига асло кирмасликларини ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилишларини, мустақил Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлишларини алоҳида таъкидлаганликлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Шу кўнларда бундай учрашувлар мулоқотлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.
А.МАДАТОВ
"Ҳўжуқ" муҳбири

НУРОНИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОДА

Туманимизда нафақат ёшларимизнинг таълим-тарбиясини мустаҳкамлаш, балки нурунийлар ҳолидан ҳарбар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий ёрдам кўсатиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз руҳиятига сиғиб кетган энг улуғ аъёналардан бири — кекса ва ёлғиз қишлоқ аҳолидан доимо боҳабар бўлиш, уларнинг дуосини олишдир. Айниқса, байрам кўнлари шундай аъёналарнинг давом эттириш энг савобли иш ҳисобланади. Туман "Нуруний" жағғармаси Халқаро-хотин қўзлар кўни, Қўрбон ҳайити ва Наврўз байрами муносабати билан тўрт оздан ортқ қарияга совға-салом улашди. Моддий ёрдам ажратди. Байрамлар баҳонасида "Бир пиёла чой устида" фахрийлар билан учрашувлар ташкиллаштирилди.

Биз бундай тадбирларни фақатгина байрамларда ўтказиш билан чекланмаслик чораларини ҳам кўриб қўйганмиз. Яъни қариялар аҳолидан мунтазам хабардор бўлиши таъминлаш мақсадида 175 нафар фахрийга хомийлар бириктириб қўйилган. Хомийлар бир ойда камида бир мартаба ўзи бириктирилган қариялар уйларида бўлиб, уларнинг шарт-шароити билан яқиндан танишади. Зарур бўлганда моддий ва ижтимоий ёрдам кўрса-тади.

Шунингдек, тумандаги барча фахрийлар учун дам олиш масканларида бегул бир кўн маданий ҳордиқ чқариши имконияти яратилган. Бу ишларнинг бажарилишига туман "Нуруний" жағғармаси доимо бош-қош. Президентимиз айтганидек, савоб ишни ҳар куни ва ҳар қим қилиши керак. Қибрай туманида бу иш ўз ижросини топган.

Воҳид ШУҚУРОВ,
Қибрай тумани «Нуруний» жағғармаси раиси

ТАДБИР

ВОРИСЛАР ҲУЗУРИДА

Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан Сирдарё вилояти прокуратураси кенг жамоатчилик, ўқув юрлари, корxonалар ва ташкилотларда учрашувлар ўтказди. Жумладан, Гулистон Давлат университетидеда бўлиб ўтган учрашувда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Бахтиёр Салимов, Гулистон шаҳар прокурори Дўстмурод Холбоевлар иштирок этдилар.

Шунингдек, "Ширин" энергетика коллежида, "Оқолтин" иқтисодийет коллежида, Боёвут касб-ҳўнар лицейида, Янгиер академик лицейида бўлиб ўтган учрашувлар қатнашчилар томонидан қизгин кўтиб олинди. Учрашувда Конституцияимизнинг тутган ўрни, аҳамияти, тўғрисида маърузалар қўлдиди.

У. ХУДОЙҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ҚОНУН ВА ЁШЛАР

МАЪРИФАТЛИ ЁШЛАР ДАВЛАТИМИЗ ТАЯНЧИ

— Абдуғани ака, маълумки, вояга етмаганларнинг қонун билан кўриқланидиган манфаатларини таъминлаш, халқ ва Ватан равнақи йўлида фидойи фарзандларни тарбиялаш энг долзарб ва позик вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда мустақиллик йшларида қабул қилинган илк меъёрий ҳужжатлардан бири “Ёшлар тўғрисида”ги қонун эканлиги ҳам бежиз эмас. Чунки, Ватан тақдир, халқнинг эртанги кунги, эркин ва фаровонлигини ўйлаган ҳар қандай давлатда биринчи навбатда ёшларга катта эътибор қаратишмоғи лозим. Сўхбатимизни ушбу масалалардан бошлашас.

— Таъкидлаганингиздек, мамлакатимизда истиқлолнинг илк давридан бошлаб ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бир ҳаёт Қа-

Қибрай туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Абдуғани НАБИЕВ билан сўхбат

ларида давра сўхбатлари ўтказилди. Қоровисиз қолган ёшлардан 14 таси аниқланиб, болалар уйига жойлаштирилди, васий ва хомий белгилаш ишлари амалга оширилди.

Туман прокуратураси вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатлари ижросини тўлиқ таъминлашига алоҳида эътибор қаратаётти. Умумий назорат тартибиде ўтказилган текширишлар даврида аниқланган ғайриқонуний ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилган.

Чунончи, 77-сонли мактаб-интернат директори А.Умбатов ва

бир ой илгари чиқарган ва иш ҳақини чўнтакка урган. Текширишда аниқланишича, директор 107500 сўм давлат маблағини талон-тарож қилган.

— Гапингизни бўлаганим учун узр, маълумки, Қибрай тумани бевосита пойтахт ҳудуди билан туташиб кетган. Катта шаҳар муҳтигини ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари алоҳида эътиборни талаб қилади, назаримда.

— Пойтахтнинг ҳар бир ҳолат юзасидан текзорчи туманимизнинг ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Айтганингиздек, бунинг ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари мавжуд. Таъкидлаш керакки, пайтахтда бошқа жойларга қараганда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг билим савиясини мустаҳкамлаш, маданий дам олиши учун зарур бўлган барча имкониятлар яратилган. Бундай омиллар туманимизда ҳам шундай қулайликларни яратишга иштиёқни вуҷудга келтирмоқда.

Соддароқ қилиб айтганда, Тошкент шаҳри туманлари билан Қибрай тумани ўртасида барча соҳаларда кичик бўлсада ижобий маънодаги рақобат шаклланган. Туманда тошкентлик мутахассислар билан ҳамкорликда ёки уларнинг тажрибасига таянган ҳолда ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ уй-қуроллар билан таъминлаш, синф хоналарини компьютерлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда туманимизда мактабларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия тadbири ўтказилди. Унда туманимиздаги барча ташкилот ва корхоналар, ҳўжаликлар иштироқ этиб, имконқадар молиявий ёрдам ажратди. Ўз фарзандлари келажagini ўйлаган туманимиз аҳолиси ҳам бундан четда қолмади. Тадбирда саксон миллион сўмдан орტიқ маблағ йиғилди. Бу маблағ ҳисобидан йил охиригача барча мактаблар тўлиқ таъмирланади, техник жиҳатдан жиҳозланади.

Хуқуқни муҳофаза қилиш бора-сида белгиланган дастурларимизда ҳам пойтахт муҳити ҳисобга олинган. Пойтахтлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда муайян тадбирларни белгилаяпмиз.

Равшан МАХМУДОВ
сўхбатлашди.

Суратларда: туман прокурори
А.Набиев ходимлари иштирокида

навбатдаги режаларни
белгиламоқда.

Пастги суратда туман
прокурори ўринбосари А.Гофуров
иш устида.



ror ва Фармонлар жорий қилинди. Ёшларнинг бошини бир жойга қовиштириш, уларга ўзлигини намойён қила олиш имкониятини яратиш мақсадида турли жамғарма ва уюшмаларга асос солинди. Zero, амалга оширилган сай-ҳаракатларнинг бош мезони — ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она юрти ва халқи учун муносиб фарзанд бўлишига эришишдир.

Жорий йилнинг январиде Президентимиз иштирокида ўтказилган йиғилиш юртимиз ёшлари ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Тадбирда “Қамолот” жамғармаси фаолияти кескин танқид қилиниб, унинг ўрнига “Қамолот” ижтимоий ҳаракатини тузиш таклифи ўртага ташланганди.

— Утган йилнинг сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги қарори эълон қилинган эди. Туманда ушбу қарор ижросини амалда таъминлаш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Маъзур қарорга мувофиқ туманимизда фаолият кўрсатаётган вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг таркиби қайта тузилиб, 2000-2005 йилларга мўлжалланган иш дастури ишлаб чиқилди. Дастурда кўзланган асосий вазифалардан бири, туманимиз ёшларининг ширк жўшқинликларини ижтимоий фойдали фаолиятга, шу юрт, шу Ватан равнақи йўлидаги меҳнатга йўналтиришга қаратилган.

Айни кунларда ўқув юртлари ва мактабларда “Жиноят ва ҳазо”, “Шу азиз Ватан барчамизники” мавзу-



ланди.

12-сон умумтаълим мактаби директори М.Исҳоқов ҳам мансаб ваколатини суиестемол қилиб, ўзининг турмуш ўртоғи Ш.Исҳоқова ва кизи М.Солиховаларни ишга қабул қилган. Бунинг нимаси жиноят, дерсиз. Гап шундаки, амалда ишга чиқмаган бўлсалар-да, улар ҳисобига иш соати ёзилверган. Бундан ташқари, директор ҳеч қандай педагогик маълумот ва касб тайёргарлигига эга бўлмаган К.Ўқибоева ва К.Қудратоваларни мустика ва инглиз тили ўқитувчилиги вазифасига ишга олган. Бу ҳам етмагандай директор уларни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни

— Акбархон ака, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни беқиёс. Шундай экан, энг аввало ота-онанинг ўзи оилада фарзандларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши керак?

— Фарзанд тарбияси азалдан масъулиятли вазифа. Минг афсуслар бўлсинки, айрим ота-оналар бугунги кунда фарзанд тарбияси деганда болаларини яхши едириб, ичиришни тушунишмоқда. Меҳнатнинг қадрини билмай ўсган ўспирин вақти келиб ҳаётдаги қийинчиликларга дош беролмай жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Далилларга мурожаат қиландиган бўлсак, ўтган йилда туман Ички ишлар бўлими қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясига 16 нафар вояга етмаганлар олиб келинган. Шундан 6 нафар ўсмир ота-онасига топширилган. Ўзингиз мулоҳаза қилинг. Фарзанднинг кимлар билан қандай ишлар қилиб юрганини билмаган ота-онани ким деб аташ мумкин.

Нобот тарбия топган бола нафақат ўз оиласига, балки ўзгалар оиласига ҳам қулфат келтириши мумкин. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. 1984 йилда туғилган Алишер Холмирзаев 1994 йилда туғилган ўзининг қўшниси Розия (исми ўзгартириб берилапти)нинг ожизлигидан фойдаланиб унинг номусига теккан. Энди хулосани ўзингиз чиқаринг. Алишернинг ота-онаси ўз фарзандининг тарбиясига лоқайд бўлмаганида ўли қамоқда ўтирмаган, бир оиланинг эса шаъни бадном бўлмаган бўлар эди.

Тарбиянинг ватани — оила. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрнини босадиган ҳеч бир нарса йўқ. Халқимизда бир болага етти қўшни ота-она деган гап бор. Ўзингиз ўйланг, ота-онасига бўйсунмаган болани қўни-қўшни ёки маҳалла тарбиялаши мумкинми? Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандига тарбияни боғча ёшидан бошлаши лозим. Вояга етган фарзандни тарбиялаш эса анча мураккаб кечади.

ТАРБИЯНИНГ ВАТАНИ — ОИЛА

Айстилик тумани прокурори
Акбархон Турсунов билан сўхбат

— Халқимизда азалдан фарзандларни ҳалол лўқма билан боқишга алоҳида эътибор қаратилган. Муқаддас китобларимизда ҳам “фарзандларингизга ҳалол лўқма едиринг” деб таъкидланади.

— Поклик бор жойда барака бўлади, деб кексаларимиз бекорга кўп таъкидлашмайди. Сизнинг саволингиз бир ривоятни ёдимга туширди. Қадимда бир бадавлат, оқилу доно шайх ўтган экан. Бир кун унинг ҳузурига бир мешчи келиб шикоят қилибди.

— Улуғ ҳазрат, оиламни бир донда мешим билан боқаман. Аммо ҳар кунни уни сувга тўлдириб, бозорга етай деганимда сизнинг эркатой ўғлингиз мешимга бигиз тиқиб қочади. Бир-икки сафар ўғлингизни кечирдим. Еш бола деб. Қолаверса, сиздай улуғ инсоннинг фарзанди экани учун. Охири сизнинг ҳузурингизга келишга мажбур бўлдим.

— Шайх мешчига юз мешнинг пулини бериб, узр айтиб уни кузатиб қўйибди. Сўнг аёлини қақириб бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда шайхнинг аёли тилга қирибди:

— Бир кун меҳмондорчиликка борган эдим. Кўп ноз-неъматлар орасида бир донда анорга кўзим тушди. Олиб ейишга уялдим. Бироқ мезбон чойга чиққанда ёнимдаги тўғноғич билан анорни тешиб, ундан тотинган эдим. Уша пайтлари эркатой ўғлингизга ҳомилидор эдим, — деган экан. Бу бизгача етиб келган, мағзи тўқ бир ривоят.

— Акбархон ака, Президентимиз “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор суруҳи ўқув уршуведа ёш авлодинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишида жамоат ташкилотларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз?

— Ёшлар танкид таянчи ва эртанимизнинг умидларидир. Ҳеч бир жамият ўз келажagini ёшларсиз тасаввур қилолмайди. Шу боис юртбошимиз мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ёшларнинг илм олишига, уларни миллий гоёларимиз асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шундай бўлса-да, кейинги пайтларда айрим жойларда ёшлар тарбияси иккинчи даражали ишга айланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Юртбошимиз ёшлар масалаларига бағишланган мажлисда бу борадаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлади. Келажакда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши” кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Энди ёшларимиз муаммоларни ҳал қилиш борасида бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари керак. Уларнинг ташаббусларини жойлардаги ҳокимлар ва жамоат ташкилотлари қўллаб-қувватлашлари лозим. Тан олиб айтиш керакки, ёшлар муаммолари анчагина. Ана шу муаммолар ҳал қилинса ёшларни жиноят йўлидан қайтариш мумкин. Бугунги кунда ҳаётимиздаги оғрикли муаммолардан бири ёшларни иш билан таъминлашдир.

Туманимиз бўйича 18.375 нафар 14 ёшга етмаганлар бор. Уч-тўрт йилдан сўнг уларнинг кўпчилигини иш билан таъминлашга тўғри келади. Ҳозир ҳам кўпгина ёшларимиз ишсиз. Ҳокимлик билан бу борада ҳамкорликда анчагина ишларни амалга ошираяпмиз. “Ишлайман” дейдиган ҳар бир фуқарога имкон қадар ёрдам бераяпмиз.

Бир сўз билан айтганда прокуратураимиз халқ ичига “юриш”ни бошлади. Натижалар ҳам ёмон эмас. Кейинги пайтларда ўғрилик ва безорилик каби жиноятлар кескин қамайди. Мақсадимиз — халқ билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг пайини қирқиш.

Сўхбатдош: Гулнора ХАМРОЕВА

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

● **Болқон:** Тинчлик йўлида муаммолар

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Болқон ярим оролидаги сиёсий вазият кун сайин чигаллашиб бормоқда. Македония худудларида босиб кириб келган албан жангарилари ўз биродарлари истикомат қилаётган Тетово шаҳрига жойлашиб олганидан буён анча вақт ўтди. Бугун халқаро ҳамжамият Яқин Шарқдаги вазиятга доир натижасиз музокаралардан зериккан чоғи, бутун диққат-эътиборини Македонияга қаратди. Утган асрнинг 20-йилларига қадар Усмонлилар салтанати таркибида, кейинроқ, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ЮСФР (Югославия социалистик Федератив Республикаси) таркибида қолиб кетган, дунё социалистик лагери емирилгач эса ўз мустақиллигини қўлга киритган Македония учун бу хужур кескин муаммолар туғдиргани табиий.

Шундай бўлса-да, Македония давлати ҳеч иккиланмай ўз худудий дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигини сақлаб қолиш йўлида қатъий чора кўришга киришди. Мурсаи-мадорага кўнмаган албан жангариларини ўлкадан қувиб чиқариш ёки уларни битта қолдирмай кириб ташлашга жазм қилган Македония ҳукумати НАТО ва Европа иттифоқидagi давлатларга орқа қилаётгани кундай равшан. Македон мулозимларининг маълумотларига қараганда, ҳукумат қўшинлари: қуролли кучлар, ички ва миллий хавфсизлик кучлари жангарилар ўрнашиб олган худудларни бутунлай қуршовга олиб улгурган. Жанговор ҳаракатлар давом этмоқда. Ҳукумат раҳбарларининг маълум қилишича, ҳарбий ҳаракатлар албан жангарилари позициялари бутунлай ҳукумат қўшинлари назорати-га ўтганидан кейингина тўхтаб қолди.

Тетовода ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган бир пайтда мамлакатдаги коалицион ҳукумат македония албанларининг мўтадил партиясини ўз таркибида сақлаб қолиш учун музокаралар ўтказиш билан банд. Бунга сабаб: мабодо мўтадил албан Демократик партияси коалицион ҳукумат таркибидан чиқиб кетса мамлакатдаги сиёсий вазият янада чигаллашиб кетади.

Македония албанларининг нуфузли қисми Тетоводаги албан миллатига мансуб бўлган жангариларнинг бутунлай кириб ташланиши ҳақидаги сиёсатга норозилик билдирмоқда. Уларни ташвишлантираётган яна бир жиҳат: мазкур воқеалардан кейин "этник тозалаш" ўтказилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Маҳаллий албанлар орасида Македон армияси хати-ҳаракатларига хайрихоҳ бўлмаганларнинг қўлиги албанларга нисбатан камситиш ҳолатларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Ҳукумат шу кеча-кундузда қайта-қайта таъкидлаб айтмоқдаки, ҳарбий ҳаракатлар Македониянинг тинч албан халқига қарши қаратилмаган. Аммо, "оғзи куйган" жафокаш албанларни бунга ишонтириш, албатта осон кечмаяпти.



Македон қўшинлари зирхли техника ва вертолётлар ёрдамида Тетово шаҳри атрофидаги тепаликларга ҳужум уюштирмоқда. Норасмий манбаларнинг маълумотларига қараганда, ҳукумат қўшинлари албан Миллий озодлик армияси жангарилари билан бўлган бир неча соатлик жангдан сўнг Гайра қишлоғини ўз назорати-га олишган. Яна бир маълумотга кўра, ҳукумат қўшинлари таркибидаги махсус қисм (спецназ) бўлинмалари Миллий озодлик армияси бош штаби жойлашган Сельце қишлоғидан ҳам жангариларни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлган. Маълумотларга қараганда, Македониянинг тоғ ва қишлоқларида 300 дан 700 нафаргача енгил қуролланган, қўшни Косовадан сўқилиб келган жангарилар ўрнашиб олган. Қурбонлар ҳақида маълумотлар берилмаяпти. Лекин жабранганлар орасида тинч аҳоли-маҳаллий албанлар кўпчилигини ташкил этиши тайин. Бундай дейишга асос бор, ўз ерларини тарқ этиб кетган кўлаб қочқоқларни ҳисобга олмаганда, ҳали бу ҳудудда 20 мингга яқин тинч аҳоли истикомат қилмоқда.

ДУШАНБА куни Жанубий Корея Республикаси президенти Ким Де Чжун 22 вазирдан 9 тасини истеъфога чиқариб юборди. Бунга сабаб, уларнинг фаолияти халқ орасида норозилик кайфиятини туғдиргани билан изоҳланмоқда.

Ўз вази-фасидан маҳрум бўлганлар рўйхатидан иқтисодий блок вазирлари, ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари ҳам ўрин олган.

GERMANYA ташқи ишлар вази-рлиги беш нафар немис сайёҳининг Нигерияда номаълум қуролланган ғуруҳ томонидан гаровга олинганлиги ҳақида хабар тарқатди. Бу ҳодиса саёҳатчилар ғуруҳи енгил ашмоқлиб ҳудудларида савҳат қилиб юрган чоғида содир бўлган. Саёҳатчилардан учтаси ўша пайтнинг ўзида қочи-б қутулган. Ҳозир беш нафар Германия фуқаросини гаровда ушлаб турган ғуруҳ ҳали ўз талабларини маълум қилганича йўқ.

ТИНЧ океани бўйидаги мамлакатларнинг ваҳимачирок фуқаролари "Мир" станциясининг фозодан ерга қулаши билан боғлиқ шов-шувлардан ўзларини йўқотиб қўйишган эди.

Тайбей фуқароларидан бири эса "Мир"нинг айнан қайси ҳудудга қулаши ҳақидаги саволга жавоб тополмай, шу даражада ҳаяжонга тушиб, ўз жонига қасд қилишгача бориб етгани, тўғриси кишини ажаблантиради.

Тайбейнинг Тайгун шаҳрида эса "Мир" станцияси бу ҳудудга қулаган тақдирда талофатларнинг олдини олиш мақсадида ўт ўчириш хизмати ходимлари сафарбар қилинганига нима дейсиз?

ТУРФА ОЛАМ-ТУРФА ОДАМЛАР

"Интерфакс"нинг Москва шаҳар ИИББси берган маълумотларига асосланиб хабар қилишича, пайшанба кунги "қахрамон" шаҳарининг Черта-новск кўчасидаги хонадонларнинг биридан қуриб, "мўмиёланиб" қолган иккита аёл кишининг жасади топилган. Экспертлар хулосасига кўра ҳар иккала аёл — 63 ёшли уй бекаси ва унинг 42 ёшли қизининг ўлими бундан камида 4-5 йил илгари юз берган. Мана шу муддат ичида ҳеч ким бу хонадон ахлидан хабар олмаган. Оқибатда 2-ғуруҳ ногиронлари бўлган бу шўрлик заифларнинг мурдалари ўз бошпаналарида "мўмиёланиб" ётаверган. Марҳумаларнинг ўлими сабаблари ҳозирча аниқлангани йўқ.

Боливиянинг жанубида истикомат қилувчи деҳқонлардан бири Жанубий Америкада ҳали ҳеч бир деҳқон қилганча ишга қўл урди. Йўқ, у чигитни плёнка остига эккани йўқ, шакар қамшига кофеини пайванд қилгани ҳам йўқ. Умуман, унинг бу ишининг деҳқончиликка сира ҳам дахли йўқ. У қуриган қўлдан қолган тоғ-тоғ тузлардан шинамгина меҳмонхона қуришга киришди. Ҳатто меҳмонхонага White Beach Hotel деб ном ҳам қўйиб улгурди. Тузларни прессалаб, қуришчи материали сифатида фойдаланишга ярқоқ ҳолга келтириб, бино тиклангунча ораддан 1 йил ўтди. Ўттиз кишини қабул қилишга мослашган бу антика меҳмонхона ишга тушган, хўжайини чўнтагига кунига 800 доллардан нақд пул тушириши мўлжалланмоқда.

Ўргимчакларнинг энг хавфлиси қоракурт (уни "қора бева" деб ҳам аташади) эканини кўпчилик билмаса ҳам керак. Никоҳ тўйлари муносабати билан Колифорниядаги дўстлари совға қилганда посылкада каттақон ўргимчакни кўриб, Жанубий йорқширлик келин-куёвлар ҳечам ажабланишмади. Фақат уни нима билан боқишни билмай бошлари қотди. Шундан кейин куёв бу "беозор" жониворни банкага солиб, зоомагазинга йўл олди. Дукон хўжайини эса банкадаги янги "меҳмон"ни кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Ўзи олиб келган ўргимчакнинг дунёдаги энг хавфли ўргимчак — қоракурт эканини эшитган куёвболанинг аҳолини эса тасаввур қилаверинг.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Республика Ҳарбий суди раиси, адлия полковниги Т.Мирзаевага укаси **Рустам МИРЗАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Суратда: Фаластин - Исроил: Кўча тўқнашувлари.

НАҲОТ, АРОФАТ АЙБДОР?!

Исроил бош вазири Ариел Шарон Яқин Шарқдаги вазиятнинг бугунги аҳволга келиб қолишига Фаластин раҳбари Ёсир Арофат жавобгар деб ҳисоблашни билдирган. У ушбу фикрни АҚШнинг собиқ сенатори Жорж Митчелл бошчилигидаги халқаро комиссия аъзолари билан бўлган учрашувда айтиб ўтган.

Маълумки, Митчелл комиссияси гўёки минтақадаги нотинч вазиятнинг сабабларини ўрганиш ва зарурий чоралар кўриш мақсадида тузилган эди. Ушбу комиссия фаолиятида эса ҳозирча бирон-бир ижобий ҳолат кўринмаяпти.

Нима бўлганда ҳам Шарон ўзининг мазкур комиссия билан ўтказган учрашувидан таассуфда. У бунга яшириб ўтирмади, Исроил радиоси орқали бу учрашувни "тарихий хато" дея баҳолади.

Митчелл комиссияси ўтган йил октябр ойдаги Шарм аш-Шайхда Ёсир Арофат ва Исроилнинг собиқ бош вазири Ёҳут Барак ўртасида имзоланган келишувга биноан тузилган эди. Бугунги бош вазир эса собиқ бош вази-рнинг ушбу ҳаркати хиддий хато деб айблашдан чарчамаяпти.

"Яхудий халқини ва Исроил давлатини судга тортишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ", дея нутқ ирод қилган Ариел Шарон Митчеллни ўз ваколатини суиистеъмол қилишда, Ёсир Арофатни эса Шарм аш-Шайх шартномасига амал қилмаётганли-када айблади. Аслини олганда эса Шарон Шарм аш-Шайх шартномасининг сиёсий аҳамиятини тан олмайди.

Жорж Митчел эса ўз навбатида комиссия кимдир трибуналга тортиши ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқлигини маълум қилди. Шунингдек, у комиссия ўз-ўзидан тузилиб минтақага киритилмаганлигини, аксинча ушбу комиссия Яқин Шарқдаги ихтилофга бўлган ҳар икки томоннинг розилиги билан ишга киришганлигини эслатиб ўтди.

Мўқаддас ер — Қуддус ва унга туташ ерлардаги тўқнашувлар оқибатида сўнгги олти ой ичида 400 дан ортиқ одам қурбон бўлди. Уларнинг аксариятини фаластин араблари ташкил қилади.

«МИР» ПАРЧАЛАРИ АУКЦИОНДА

Оммавий ахборот воситалари "Мир" сунъий йўлдошига тегишли металл парчаларининг аукционда сотилётгани ҳақида хабар тарқатган эди. Вау интернет-аукцион маълумияти "Мир" станциясига тегишли металл парчалари савдосини тўхтатишга қарор қилди. Бунга уларнинг нархи кескин ошиб 20 минг долларгача етганлиги ва бу темир парчаларнинг ҳақиқатдан ҳам "Мир"га тегишли эканлигига ҳеч бир қафолат йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Америкалик космик экспертлар хулосасига кўра, станциянинг асосий қисми атмосферанинг юқори қатламидак ёниб кетган, бутун қолган парчалар эса чексиз кенгликларда сузиб юрибди. Аукционларда савдога қўйилётган металл парчаларнинг эса умуман "Мир"га алоқаси йўқ. "Шахсан мен бу матоҳлар учун бир тийин ҳам бермаган бўлардим", дейди экспертлардан бири.

ДЕТЕКТИВ



Америкалик ёзувчи Майя Риднинг «Тақдир азал» романидан парча

— Мен сени айбламайман. Бу воқеага анча бўлган, ҳозирги бахтсизликка ҳеч қандай алоқаси йўқ бунинг.

— Сиз буни қаердан билдингиз, ота?

— Мана бу хатни ўқиб кўр, гапиришга қодир эмасман. Нигель хатни ўқиб тугатди.

— Тушундингми, — деди ота унга, — ҳаммаси тўғри... ҳаммаси тўғри!.. Генрининг биринчи хатини ўқигандаёқ буни сезган эдим. Болам бечора!.. Сен эса, Нигель, сен!..

— Бунақа сафсатага ким ҳам ишонарди? Менимча, бундай бўлиши мумкинмас.

— Бўлиши мумкин эмас, — такрорлади генерал кесатиб. — Мана бу-чи, бу ҳақиқат эмасми? Бечора Генри! У мен ҳақимда нима деб ўйлаётми экан-а? Инсонийликдан асар ҳам қолмаган ота! Худойим-ей!

— Бу хат Римдан келган, — деди Нигель совуққонлик билан конвертнин айлантриб кўрар экан.

— Хўп, Римданлиги тушунарли, — жавоб берди ҳаяжонланган генерал.

— Нима, мархаларни кўрмаяпсанми? Балки, буни ҳам лақиллатишга йўярсан?

— Йўқ, йўқ, ота, — шошилиб жавоб берди Нигель, ўзининг хато қилганини тушуниб. — Мен фақат қандай жавоб жўнатишни ўйлаётгандим.

— Жавоб фақат битта бўлиши мумкин.

— Қанақа?

— Пулни жўнатиш. Бу боламини кўтқаришининг ягона йўли. Бир дақиқани ҳам йўқотмаслик керак. Хатдан равшанки, қутурган қароқчилар Худо ва инсоният қонунлари устидан кулмоқдалар. Гаров пулини жўнатишгина таҳдиднинг ихросига ҳалакат бериши мумкин.

— Уттиз минг, — гудранди Нигель, — катта пул.

— Катта пул?! Юз минг бўлмайди!.. Укангнинг ҳаёти бунга арзимайдими? Битта бармоғи бундан қимматроқдир?! Бечора Генри, болагинам.

— Мен бу ҳақда гапирмаяпман, ота. Агарда биз гаров пулини жўнати-саг-у, безорилар укамни қайтаришмаса-чи? Бунақа одамлар билан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

— Эҳтиёткорликнинг вақти эмас! Вақт кутмайди. Бизнинг ихтиёри-мизда ўн кун... Кара-чи, ўзи хат қачон жўнатишган экан?

— Ун иккинчида, — конвертга қараб жавоб берди Нигель.

— Бугун ўн олтинчи... Фақат олти кун қолибди. Тезюрар поезд билан хали Римга улгуриш мумкин. Ҳамма нарсани тайёрлаш керак... Ҳозирқ Лондонга, Лаусоннинг олдига бориш даркор. Дақиқани ҳам йўқотмаслик керак... Жунаш керак. Нигель, айт, нарсаларни тайёрлашин!


Нигель ўзини жуда шошилгандай кўрсатиб, кабинетдан чиқиб кетди. Извош эшик олдига келган заҳоти генерал уйдан отилиб чиқди. Ва шу онинг ўзида отлар станция томон йўл олди.

Худди шу вақт эса она-бола Майнорингларнинг уйи томон ҳам бир йўловчи одимлар эди. Бу — отасидан яширинча тез-тез ушбу уйга келиб турувчи Нигель эди.

Уни бармоғидан айирган даҳшатли операциядан сўнгги икки кунни Генри беҳаловат ўтказди. Екимсиз таом, похол тўшак, ярадор қўлидаги оғриқ кўнглининг беҳаловатлиги олдида ҳеч нарса эмас эди. Генералнинг гаров пули тўлашни рад этиши яна шунинг учун гашига тегардики, акиси талабни рад этишни энг расво рангларда намоён қилганди. Отамдан бутунлай ажрадим, дея ўйларди Генри. Бошқа бир ўй, олдин-гисидан ҳам даҳшатлироқ, унинг миясидан чикмасди — ўртоғининг сингисининг иштироки, кўрқинчи. Унинг қулоғига Корвино томонидан айтилган сўзнинг амалга ошишига иккиланмас эди. У биларди, бундан ёмонига ҳам тайёр туриш керак. Лючетте қўлга олинганлиги тўғрисида бирор хабар эшитилиб қолармикан деб хавотирланиб, ертўла дарчаси олдида нари кетмасди. Ўзига қолса қизни хавфдан хабардор қилиш учун яна бошқа бармоғини, наинки бармоғини, бутун бошли қўлини қурбон қилишга жон деб рози бўларди.

Абдулазиз ХАСАНОВ таржимаси
(Бошланиши ўтган сонда. Давоми бор.)

КРОССВОРД




Энига: 2. Табиий фанлардан бири. 5. Илмий унвон. 9. Бирон-бир амалга, унвонга номзод. 13. Ширинлик тури. 14. Минерал. 15. Пардоз тури. 17. Ишчилар гуруҳи. 19. Қурилиш объекти. 20. Ўғил болалар исми. 21. Хужжатларни тасдиқловчи юридик шахс. 22. Ҳайвон. 24. Ақл. 26. Теннис майдони. 28. Африкадаги давлат. 29. Уруғ-аймоқ, зот. 32. Сажда. 34. Африкача ов. 36. Кинога олувчи мутахассис. 37. Грек файласуфи. 40. Ҳалок бўлган малика. 41. Спорт тури. 43. Хат юборувчи шахс. 45. Камомад. 48. Камчиликини кўрсатиш. 50. Рухсат, изн. 53. Ой номи. 54. Кўрсатиш олмоши. 55. Муסיқавий ҳазина. 57. Дуккакли ўсимлик. 58. Ҳолат. 60. Фаришталар макони. 61. АҚШдаги шаҳар. 63. Қимматбаҳо мўйнали ҳайвон. 65. Хушбўй ўсимлик. 66. Тиг. 68. Шахсий белги. 69. Чирой, хусн. 71. Отнинг пойфазали. 73. Ошхона асбоби. 74. Қандил тури. 75. Сатирик радиожурнал. 76. Фазо мутахассиси. 80. Жанубий Америкадаги давлат. 84. Афсона, эртак. 85. Чет элдан мол олиб келиш. 86. Соч пардозловчи уста. 87. Янги Зеландиядаги шаҳар. 88. Сўнгги ... ўзингга душман.

Бўйига: 1. Ҳар бир ўзбек хонадониди бўладиган ўй жиҳози. 3. Кўжаламзорлаштириш. 4. Қаламғир тури. 5. Томошабинлар ўтирадиган бўлимлардан бири. 6. Математик атама. 7. Зулм, жабр. 8. Муסיқавий усуллардан бири. 10. Мамлакатимиздаги вилоят. 11. Халқаро шартномаларнинг асл матнини сақловчи давлат ёки халқро ташкилот. 12. Кўчирма гап. 16. Кўшиқнинг такрорланувчи қисми. 18. Транспорт тури. 22. Овқат истеъмол қилиш. 23. Австралиядаги шаҳар. 25. Миср маликаси. 26. Думли юлдуз. 27. Ошхона асбоби. 28. Испаниядаги шаҳар. 30. Яхна ичимлик. 31. Айлананинг ўртасидан бўлувчи чизик. 33. Сон. 35. Ўтказгич. 38. Дурадгорлик асбоби. 39. Ҳовлининг экин экиладиган қисми. 40. Дўқ-пўписа. 42. Пайгамбарларимиздан бири. 43. Ўзбек достони. 44. А.С.Попов ихтироси. 46. Ўғил болалар исми. 47. Гўшти таом тури. 48. Ўзбек куйларидан бири. 49. Ўзбекистондаги шаҳар. 51. Фазо, само. 52. Қишлоқ ҳўжалиги техникаси. 55. Яқуний мусобақа. 56. Шартномага қўшимча тузилган битим. 59. Учоқ тури. 60. Ур-сур, тўполон. 62. Қон босимини ўлчайдиган асбоб. 64. Олийгоҳ раҳбарияти. 67. Ёзги кийим тури. 69. Озодлик қуши. 70. Канададаги шаҳар. 72. Гузал, санам. 77. Эгизаклардан сўнг туғилган болага қўйиладиган исм. 78. Жамият бўлаги. 79. Энг юқори баҳо. 81. Япониядаги шаҳар. 82. Гиёҳванд восита. 83. Тюмень вилоятдаги шаҳар.

Тузувчи: Юлдуз МИРҲОДИЕВА

Моҳият
Агар
яхшилаб тар-
бия берилса,
яхшилаб сову-
тилса, энг
хуррак той-
лардан ҳам
энг учқур
бедовлар чи-
қади.

ПЛУТАРХ



— Ўзим Сизга сумалак пишириб бераман.

УМР НИМА...

МУЛЬТИОЛАМДА МУСИБАТ

Каттаю кичик бирдай севувчи мультфильмлар дунёсида улкан мусибат юз берди. Барчамизга қадрдон бўлиб қолган "Том ва Жерри", "Флинтсоунлар оиласи" каби мультфильмлар ижодкори Уильям Ханна 90 ёшида Лос Анжелесдаги ўз уйида вафот этди. 50 йиллик ижодий фаолияти давомида у ҳаммуаллифи Жозеф Барбара билан 3 мингдан зиёдроқ мультфильм ишлаб, дунё болаларига тўхфа қилган эди. Унинг ижоди Америкада юксак қадрланиб, етти бор "Оскар" ва саккиз марта "Эмми" мукофотлари билан тақдирланган.

ҚАҲ – ҚАҲА

Оғир хаста эр нималарнидир қорозга тушираётган хотинини кўриб, ундан нима эсаётганини сўради.

Хотин эса:

— Шунчаки, ўғилларимизга сенинг соғайиб кетаётганинг ҳақида эзаялман-да. Айтганча, сенингча "дафн маросими" сўзини ишлатганим маъқулми, "кўмиш маросими" сўзиними?

Ярим турда хотин эрини уйғотибди.

— Нима гап, тинчликми? — сўрайди ҳайрон бўлиб эр.

— Ҳеч нарса, фақат бир нарсага ҳайронман. Шунчалик кам маош олатуриб, қандай бемалол ухлайсан-а?..

— Дўхтир, нима қилай, семириб кетяпман?

— Бадан тарбия билан шуғулланинг.

— Мен шундоғам ишга пиёда қатнапман.

— Сиз бир автобусда қатнаб кўрингчи...